**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING**

# B U Y R U G'I

20 22 yil "01" 03 № 71

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш ҳамда уни олдини олиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон "Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши юзасидан

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Қуйидагилар:

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсати 1-иловага;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти 2-иловага;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом 3-иловага;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг худудий ва таркибий бўлинмаларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти 4-иловага;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг худудий ва таркибий бўлинмалари ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома 5-иловага;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг худудий ва таркибий бўлинмаларида контрагентларни текширишга оид Йўриқнома 6-иловага;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг худудий ва таркибий бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома 7- иловага;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг худудий ва таркибий бўлинмаларида Коррупцияга қарши тартиб-тамоилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти 8-иловага;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботини шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом 9-иловага;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг худудий ва таркибий бўлинмалари ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламенти 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат хизмати (Р.Джуманов) иловаларда тасдиқланган тартибга барча ходимлар томонидан риоя қилинишини назорат қилсин.

4. Вазирлик тизимидаги барча ташкилотлар раҳбарлари мазкур буйруқ ва иловаларнинг мазмун-моҳиятини ходимларга кенг тушунтирилишини таъминлансин.

5. Кадрлар бошқармаси (Н.Кадиров) ушбу буйруқ вазирлик марказий аппарати ва вазирлик тизимидаги барча ташкилотлар ходимларига 10 кун муддат ичида таништирсин ҳамда ишга қабул қилинаётган ходимларга таништириб борилишини таъминласин.

6. Мазкур буйруқ ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир** **Б.Мусаев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI * BUYRUQLAR UCHUN